

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:
№ БД – 5111400 – 2.06
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

МАМЛАКАТШУНОСЛИК
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000	- Педагогика
	120000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5111400	- Хорижий тил ва адабиёти (испан тили)
	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (испан тили)
	5120200	- Таржима назарияси ва амалиёти (испан тили)

Тошкент -2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Абдуллаев К. - “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Турдикулова Р.Т. - “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедра катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Тошхонов М.Т. - ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси п.ф.н.;

Ўрмонова Н.М. - ТАҚИ, “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси мудири, ф.ф.н., доценти. (*турдош ОТМ*);

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастур Мамлакатшунослик фанидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республикада чиқарилган қарор ва фармонларга ҳамда чет тилларни ўзлаштириш Умумевропа даражалар тизимига асосланиб тузилди.

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати умумэтироф этилган халқаро меъёрлардан биридир.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларини мукамал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро ҳужжатларга асосланган узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Мамлакатшунослик фанини ўқитишнинг асосий мақсади - талабаларда тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фан ва маданияти, таълим тизимини шунингдек ўзларини ўраб турган атроф муҳит ҳақидаги маълумотлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Талабалар дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлаш қобилиятини, хотирасини, ақлий меҳнат маданиятини, мулоқот маданиятини, мустақил билим олиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш ушбу фаннинг асосий мақсадларидан биридир.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- Испан маданиятининг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси.
- Испан тили-дунёдаги асосий тиллардан бири.
- Мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши.
- Географик ҳолати. Рельефи. Гидрографияси. Иқлими. Фойдали қазилмалари.
- Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари.
- Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари.
- Испания– Ўзбекистон, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан, шунингдек испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар билан кенг қамровли

алоқалар ўрнатганлиги ҳаммага маълум. Шу боисдан университетлар ва педагогика институтлар олдида катта маъсулиятли вазифалар турибдики, бу нафақат лингвистик билимлар, балки нолингвистик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Бу борада мамлакатшунослик фанининг аҳамияти каттадир, чунки ундаги қўйилган вазифалар ёрдамида ўхшашлик ва тафовутни билиш шакллантирилади. Мамлакатшунослик фанида фақатгина бошқа маданият ҳақида маълумот эмас, балки уни яқин ҳис қилиш, унга нисбатан танқидий бағрикенгликни ривожлантириш кўзда тутилади.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Мамлакатшунослик” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- Испания ва Лотин Америкаси сиёсий иқтисодий географияси назарий билимлари;
- тарихий ривожланиши ва замонавийлиги нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий – сиёсий тизими;
- Испания географияси;
- Испания давлат тизими;
- Испания тарихи;
- Испания байрамлари;
- Испания таълим тизими;
- Испания ва Лотин Америкаси санъати;
- Испаниянинг шаҳар ва қишлоқлари;
- Испаниянинг урф-одатлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши;
- луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари;
- Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари;
- Испания– Ўзбекистон, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги ҳақида **кўникмаларига эга бўлиши керак;**
- Испаниянинг тарихий ва ижтимоий – сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш; ўша ерда яшовчи халқларнинг тарихий ўзаклари ҳақида тўлиқ **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Мамлакатшунослик фани математик ва табиий-илмий фанлар блокидан ўрин олган бўлиб, фан машғулоти испан тилида олиб борилади. Мазкур ўқув фани таълим тизимида ўта муҳим ҳисобланган узвийлик, услубсизлик, даврийлик тамойилларига асосланган. Узвийлик испан тили коммуникатив компетенциясининг ҳамма компонентларини шакллантиришда фаннинг ички тузилишида барча қисмлар ўртасида фанлараро алоқани ҳисобга олиш орқали таъминланади. Мамлакатшунослик нафақат испан тили билан балки тилшунослик, лексикология, фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Мазкур фан илм-фан ривожига ўз ўрнига эга. Мамлакатшунослик фани талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон испан тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилади. Бундан ташқари, мазкур фан фанлараро алоқаларни амалга ошириш билан бирга испан адабиёти тарихи, халқ маданияти билан яқиндан таништиради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Мамлакатшунослик” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмунлари

“Мамлакатшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Испан маданиятининг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси. Испан тили-дунёдаги асосий тиллардан бири. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши. Географик ҳолати. Рельефи. Гидрографияси. Иқлими. Фойдали қазилмалари.

Мамлакатшуносликнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларини мукамал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро ҳужжатларга асосланган узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланади.

Энг қадимги ва қадимги Испания. Рим даври ва романлаштириш. Антик маданиятда Испаниянинг ўрни. Вестгот Испанияси. Пиренейда христианликнинг тарқалиши. Вестгот Испаниясида илк феодал жамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Араб истилоси

Араб истилоси. Испания-Дамашк халифалиги вилояти. Муслмон Испанияси. Кордова халифалиги Реконкистанинг X асрида. VIII-XI асрларда Пиренейда христиан давлатлари.

Кастилия ва Арагоннинг вужудга келиши ва ривожланиши

Кастилия ва Арагоннинг вужудга келиши ва ривожланиши (XI-XV асрлар). XV асрда Кастилия ва Арагоннинг сулолавий бирлашмаси. Реконкистанинг тугаши (XV аср). Испания давлатининг ташкил топиши.

Испанияда муслмон маданиятининг аҳамияти

Испанияда муслмон маданиятининг аҳамияти. Араб маданияти ва испан тили.

XVI-XVII асрларда Испания тарихи

Габсбурглар давридаги Испания (XVI-XVII асрлар). Американинг кашф этилиши ва мустамлакага айлантирилиши. Ғарбий Европа ва Испанияда XVI-XVII асрларда сиёсий кураш. Испания маданиятининг «олтин асри». Иқтисодийнинг таназзулга юз тутиши ва сиёсий ҳукумронлигининг йўқотилиши (XVII аср). Испан мероси учун уруш (1700-1714 йиллар). Бурбонлар Испания тахтида. Карл III ва маърифатли якка ҳокимиятчилик руҳидаги ислохотлар.

XVIII –XIX асрларда Испания

Буюк Француз инқилоби ва Испания (XVIII аср охири). Наполеоннинг ҳужуми ва испанларнинг мустақиллик учун уруши (1808-1814). Европада қайта тиклаш ва Испания. Америка колонияларида миллий-озодлик кураши (1810-1825 йиллар). XIX асрда испан инқилоблари. Либераллар ва консерваторлар уртасидаги кураш. XIX асрда Испания иқтисодийда капиталистик муносабатларнинг сустривожланиши. 1868-1871 йиллардаги инқилоб ва 1873-1874 йиллардаги Биринчи республика. XIX аср охирида сиёсий тузумнинг барқарорлашуви ва инқилобий гояларнинг ёйилиши. 1898 йилги миллий фожиа. Испания XIX ва XX асрлар бўсағасида.

XX асрда Испанияда ижтимоий- сиёсий вазият

Мамлакатнинг миллий минтақаларида миллий-айирмачилик анъаналарининг кучайиши. Биринчи жаҳон уруши ва Испания. Примо де Ривера диктатураси (1923-1930 йиллар). Жаҳон иқтисоди ва Испания. Иккинчи республика (1931-1936 йиллар). Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви (1932-1936 йиллар). Испания XIX ва XX асрлар бўсағасида Мамлакатнинг миллий минтақаларида миллий-айирмачилик анъаналарининг кучайиши. Биринчи жаҳон уруши ва Испания. Примо де Ривера диктатураси (1923-1930 йиллар). Жаҳон иқтисоди ва Испания. Иккинчи республика (1931-1936 йиллар). Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви (1932-1936 йиллар).

Испаниянинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни

Испания ва Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари. Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари. Испания– Ўзбекистон, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги.

Испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар

Испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар. Тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий вазият. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Испания географияси;
- Испания давлат тизими;
- Испания тарихи;
- Испания байрамлари;
- Испания таълим тизими;
- Испания ва Лотин Америкаси санъати;
- Испаниянинг шаҳар ва қишлоқлари;
- Испаниянинг урф-одатлари.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фанлар бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- 1.Situación geográfica de España.
- 2.Regimen estatal de España.
- 3.Industria y agricultura española.
- 4.Fiestas y costumbres españolas.
- 5.Artesanía española.
- 6.Las comunidades de España.

Дастурнинг инфор­мацион – услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида

- таълимнинг замонавий илғор интерфаол усуллари­дан;
- педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади;
- Семинар машғулотларда аклий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланиланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. M.Toshxonov, M.Abdullayev, K.Abdullayev, G.Botirov. España y los países hispanohablantes. T.2006.
2. Belen Moreno de los Rias. Buscando España M. 1991.

Қўшимча адабиётлар:

1. Altamira R. Historia de España.M.2001.
2. Los países del mundo.M-2000.

Интернет сайтлари:

1. <http://es.altavista.com/>
2. <http://www.lacos.es/>
3. <http://www.sobre.españa.ru>

